

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

97 Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2152-1*

(2012 йил 12 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 17-сон, 140-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сон «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 6-сон, 51-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 12 октябрдаги 01/11-18/08-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2152, 2010 йил 10 ноябр) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 412-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кириди.

Раис в. б.

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 17 февраль,
01/11-18/05-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулкани бошқариш давлат
қўмитасининг 2012 йил 17 февралдаги
01/11-18/05-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 6-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« $K = [(ЭКИХ \times K_1) + (ЭКИХ \times K_2)] \times K_e \times K_x - K_{тэ}$, бунда;»

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

« $K_{тэ}$ — баҳолаш объектлари хусусийлаштириш мақсадида баҳоланганда, уларни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш санасидан бошлаб бир календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда тахлий экспертизадан ўтказишда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати».

2. 7-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« $K = (ЭКИХ \times K_1) \times K_e \times K_x - K_{тэ}$, бунда:»

3. 8-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« $K = [(ЭКИХ \times \Sigma (K_3 \times C) \times K_k) + ЭКИХ] \times K_e \times K_x - K_{гэ}$, бунда:».

4. 15-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «эксперт хулосаси тайёрланган санадаги» деган сўзлар «баҳолаш санасидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 1-илованинг 2-жадвали қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: ушбу жадвал бўйича хизматлар қийматини аниқлашда бир хил номдаги, ишга тушириш (экиш) йили ва маркаси (типи) бир хил бўлган баҳолаш объектлари баҳоланаётган объектнинг битта бирлиги сифатида қаралади».

6. 2-илованинг 10, 11 ва 12-позициялари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

10.	Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш санасидан бошлаб бир календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда таҳлилий экспертизадан ўтказиш хизматлари билан биргаликдаги хизматлар қиймати	= (5 сатр + 7 сатр + 8 сатр) ёки (6 сатр + 7 сатр + 8 сатр) ёки 9 сатр
11.	Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш санасидан бошлаб бир календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда таҳлилий экспертизадан ўтказиш хизматлари қиймати	
12.	Хизматлар қиймати	= 10 сатр – 11 сатр

7. 3-илованинг 8, 9 ва 10-позициялари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

8.	Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш санасидан бошлаб бир календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда таҳлилий экспертизадан ўтказиш хизматлари билан биргаликдаги хизматлар қиймати	= (4 сатр + 5 сатр + 6 сатр) ёки 7 сатр
9.	Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш санасидан бошлаб бир календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда таҳлилий экспертизадан ўтказиш хизматлари қиймати	
10.	Хизматлар қиймати	= 8 сатр – 9 сатр

8. 4-илованинг 10, 11 ва 12-позициялари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

10.	Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш санасидан бошлаб бир календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда таҳлилий экспертизадан ўтказиш хизматлари билан биргаликдаги хизматлар қиймати	= 8 сатр ёки 9 сатр
11.	Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш санасидан бошлаб бир календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда таҳлилий экспертизадан ўтказиш хизматлари қиймати	
12.	Хизматлар қиймати	= 10 сатр – 11 сатр

8-9 (508-509)-сон

— 71 —

97-98-моддалар

9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2012 йил 17 февраль